RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ислом КАРИМОВ: Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 9 МАЙ СЕШАНБА

№ 54 (25.604).

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Ўртоқ аскарлар, сержантлар ва старшиналар, прапорщиклар, офицер ва генераллар!

Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари!

2000 йилнинг 9 май куни мамлакатимиз аҳли ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари юксак эҳтиром ва фахр туйғулари билан умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунини нишонламоқда.

Бу куни биз она юртимизни матонат билан ҳимоя қилган, Ватанимиз эрки ва мустақиллиги йўлида жонини фидо этган ватандошларимизни хотирлаймиз. Биз бугунги кунда сафимизда турган ва ўзининг фидокорона меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишга, ёшларни юксак ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшаётган уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларига ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Ватан ҳимоячиларининг бугунги авлоди ота-боболарининг қаҳрамонона анъаналарини давом эттирмоқда. Қуролли Кучлар жангчилари конституциявий бурчларини бажара туриб, ўзларининг касб маҳоратларини такомиллаштирмоқда, ҳарбий маҳоратларини ошириб, давлат мустақиллиги ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга ҳамиша шай турибдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучларнинг Бош Қўмондони номидан ва топшириғига кўра Сизларни Хотира ва Қадрлаш куни билан муборакбод этаман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик, Ўзбекистон Республикасининг порлоқ келажаги йўлидаги меҳнатингизга ривож тилайман.

Ватанимиз эрки ва мустақиллиги йўлида жонини фидо қилган қаҳрамонлар хотираси ҳамиша қалбимизда яшайди.

Хотира ва Қадрлаш куни нишонланиши муносабати билан БУЮРАМАН:

2000 йил 9 май куни соат 21.00 да Ватанимиз пойтахти Тошкентда замбараклардан 21 марта ўқ отилиб, байрам салюти ва мушакбозлик амалга оширилсин.

Ю. АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазири, генерал-лейтенант

Тошкент шаҳри,
2000 йил, 8 май.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғиждувон туман кенгаши Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан уч авлод учрашувини ўтказди. Унда иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидан омон қайтганлар, бугунги хур замон ёшлари вакиллари қатнашдилар.

«Файз» фермер хўжалиги сўлим боғида ўтган бу маросимни ЎзХДП туман кенгашининг биринчи котиби Баҳодир Исмоилов очди ва тўпланганларни умумхалқ байрам билан қутлади. Уруш фахрийси Самандар Ҳомидов, Истам Жавҳаров, Меҳнат Қаҳрамони Обида Ҳамроева ва бошқалар тўпланганларни шу тинч ҳаётнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида астойдил тер тўкишга, ўтганлар хотирасини мудом эъзозлашга даъват этдилар.

Бир пиёла чой устида ўтган гурунг барчада катта таассурот қолдирди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«УНИВЕРСИАДА —2000»

Яқинда Самарқанд шаҳар олий ўқув юртлари ўртасида «Универсиада — 2000» спорт ўйинларининг иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Ушбу ўтказилган беллашувнинг барча турларида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети терма жамоалари волейбол, баскетбол бўйича қиз ва ўғил болалар ўртасида, футбол, стол тенниси, теннис, шахмат, кураш, енгил атлетика беллашувларида биринчи ўринни эгаллаб вилоят ғолиби бўлдилар.

Энди Самарқанд давлат университети терма жамоаси спортчилари 24 майдан 1 июнгача Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган республика талабаларининг «Универсиада — 2000» мусобақаларида иштирок этишиб, вилоят шаънини ҳимоя қиладилар.

■ **Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО ўғли**

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

«Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда корпорация тизимидаги корхона ва ташкилотларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда корпорациянинг ишлаб чиқариш тармоқларида мамлакатмизда изчиллик билан давом эттирилаётган иқтисодий ислоҳотлар доирасида муайян ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, молиявий-ташкилий ишларда талай хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидланди. Хусусан, тайёрлов корхоналарида донни қайта ишлаш, ташиш, сақлаш ва сотишда қонунбузарлик, талон-тарож, кўзбўямачилик, таниш-билишчилик ҳоллари авж олган. Ҳисобкитоб ва статистика маълумотлари қалбакилаштирилган. Дон ва дон маҳсулотлари ҳукумат томонидан белгиланган фонд миқдоридан ортиқча сарфлаб юборилган. Тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик қарзи 35 миллиард сўмдан ошиб кетган. Маблағларни мақсадсиз ишлатиш ҳоллари ҳам кам эмас. Айни пайтда соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, қурилиши бошланган иншоотларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, малакали кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш каби иқтисодий барқарорликнинг муҳим омилларига эътибор берилмаган.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Корпорация кенгашининг янги таркибдаги аъзолари ва бошқаруви раиси сайланди. Икромхон Нажмиддинов корпорация кенгаши ва бошқаруви раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов сўзга чиқди.

■ **(ЎзА)**

КИНО БАЙРАМИ

«Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси, Навоий вилоят ҳокимлиги ва Навоий вилоят «Киновидео» бошқармаси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод тарбиясида кинонинг аҳамияти» мавзуида «Кино байрами» ўтказди.

Ўзбек миллий киноси усталари томонидан яратилган «Аёллар салтанати», «Тилсимой — ғаройиб қизалоқ», «Чимилдиқ», «Қисмат», «Кичкина табиб» кинофильмлари Навоий шаҳри, Нурота, Хатирчи, Қизилтепа, Конимех туманлари ва кончилар шаҳри Зарафшон кинотеатрларида намойиш этилди. Байрам барчада катта қизиқиш уйғотди.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

Хотира, Қадр саодатидан Файзга тўла кундузлар... Ўзбекнинг неъматидан Татиб кўринг, Азизлар!..

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 9 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатанқуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	138,24
1 Австрия шиллинги	15,17
1 Англия фунт стерлинги	359,10
10 Бельгия франки	51,76
1 Голландия гульдени	94,74
10 Греция драхмаси	6,21
1 Дания кронаси	28,03
1 БАА дирхами	63,49
1 АҚШ доллари	233,20
1 Миср фунти	67,88
10 Испания песети	12,55
100 Италия лираси	10,78
1 Канада доллари	155,97
1 Хитой юани	28,16
10 Люксембург франки	51,76
1 Малайзия рингити	61,37
1 Германия марғаси	106,75
1 Польша злотийси	50,30
1 СДР	305,32
1000 Туркия лираси	0,38
1 Финляндия маркаси	35,11
1 Франция франки	31,83
1 Швейцария франки	134,91
1 ЕВРО	208,78
10 Жанубий Корея вони	2,10
10 Япония иенаси	21,61
1 Россия рубли	8,22
1 Украина гривнаси	43,23

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

ЭЪЗОЗ

ШАВКАТИНГИЗ ЗИЁДА, ШАЪНИНГИЗ УЛУҒ

Бошидан ўқ учиб ўтган одам тинчлик нима эканлигини бошқаларга нисбатан чуқурроқ ҳис қилади.

Бугун — инсониятнинг фашизм устидан ғалаба қозонган кун. Ғалабадан завқланиб кўз ёш тўккан жангчи ўша кез хаёлига 2000 йилнинг 9 майида невара-чевараларининг олқишини эшитмоқни тасаввур қилганмикан? Куч-қуввати билагидан тошиб, кўзида ўт чақнаган урушнинг ғолиб аскари ёши бугун 80 ни қоралаган. Ўша чоғда 25 ёшдаги бўз йигит бугун роппа-роса 80 ёшда. У бир умр уруш оғриғи, азоби, хотираси билан яшади. Ва, уруш кўрган одам жангнинг совуқ ва мудҳиш изтиробли ёдини ўзи билан бирга олиб кетади.

Уруш кўрганлар нигоҳидан кексаядилар. У урушдан қайтиб келди, дейишдан кўра, уруш гирдобига ўз қувончу шодлигини ташлаб келди, ўзи билан мунг, ҳасрат ола келди, дейишимиз ҳақиқатга яқинроқдир.

Уруш инсоннинг юрагини яралайди. Юраги яраланган одам, яъни, урушнинг мудҳиш воқеасини англаб етган жангчининг ақлдан озмаслиги ҳам жасорат. Ўшанда... фашизм эзгулик устидан олов қўйган кезда Ўзбекистон қишлоқлари, ҳар бир ўзбек хонадони ҳам куйиб кул бўлди. Бу қишлоқларни душман танки, замбараклари эмас, қора хатлар вайрон қиларди. Бу қишлоқларга душман ораламаган бўлса-да, бу ердан жангга кетган ўғиллар ўлими, ўққа учиши ҳам вайроналик эди.

Бугун бирор-бир ўзбек хонадони йўқ, яқинларини урушга топшириб, талофот чекмаган, озор топмаган бўлса... Кимнингдир отаси, бобоси, амакиси, акаси, қариндош-уруғи шу урушнинг қурбони бўлган. Ўзбекистонга ёв бостириб келмаган тақдирда ҳам ўзбекнинг шу ўғлонлари жангда эдилар. Улар қаҳрамонлик кўрсатардилар.Бундай пайтда миннат қилиш ниятида эмасмиз, лекин ҳар бир ўзбек топганини фронтга илинарди. Ўзбекистон — фронт ортидаги ёруғ бир куч, қўрғон, ҳимоя вазифасини ўтарди.

Уруш олови ўрлаган олис ўлкаларнинг етим болалари бошини силарди бу юрт.

Шунинг ўзи жасорат эди. Ўзбекистоннинг барча шаҳарларини қаҳрамон шаҳарлар сафига қўшсак арзийди.

Чин маънодаги қаҳрамонлик — эгнидаги пахталик, дастурхонидаги тузни ғалабага илиниш...

Бир этак бола-чақаси очарчилик домида қийналаётгани етмаётгандай улар қаторига уруш бўлаётган шаҳарларнинг сағир гўдакларини қўшиб олган ўзбек юрагининг тоза ва кенглигига тан бермоқ керак.

Бугун урушда бўлган боболаримиз сафи жудаям камайиб бормоқда. Ҳар бир қишлоқда 4-5 нафаргина уруш иштирокчиси қолган. Бундан 15 йил олдин ўқувчилик давримда ҳам урушда бўлган чоллар суҳбатини қизиқиб тинглар эдим. Уларнинг кўплари бу ҳақда гапиришни истамас эдилар.

Кузатганмисиз, уруш одамлари кўпинча бир хил манзарани такрор ва такрор гапиришиб юрадилар. Чунки, урушда инсон хотирасида сингиб, ўрнашиб қолган энг совуқ ҳолат сира эсдан чиқмайди. Ўз-ўзидан уруш одами ўша воқеани такрорлайверади.

Сафи сийраклашиб қолган боболаримиз хизмати беқиёс. Уларнинг ҳурматини жойга қўйиш, имонли инсоннинг гўзал ҳулқидан сўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори чиқди. Ҳа, инсон фарзанди илиқ сўз, самимий дил изҳорига доим муҳтож. Яхши гапга муштоқ бўлиб келган. Шу кунлари уруш кўрган кексаларимиз шаъни-шавкати зиёда этилиб, турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тинч кунлар қадри, осойиш чоғларимиз шукуҳи ўз изоҳини топмоқда.

Урушдан қўрққан ва нафратланган одам — яхши одам.

Уруш кўрган одамлар эса доимо тинчликни алқаб, урушни қарғаб яшайдилар.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ЁРДАМЧИ КУЧЛАР ЖАЛБ ҚИЛИНМОҚДА

Буюк Британия ҳукумати мамлакат ҳарбий-денгиз кучларининг Ғарбий Африкага жўнатилаётган тезкор гуруҳи сафига 800 нафар десантчини ҳам қўшишга қарор қилди. Бу бўлинма Сьерра-Леонеда аҳвол кескинлашиб, мазкур мамлакатда яшаб турган британияликларни олиб чиқиб кетиш зарурати туғилганда ишга киришади.

Аввалига Сьерра-Леонедаги БМТ вакилларининг мамлакат пойтахтидан 20 километрча нарида ҳукумат қўшинлари билан исёнчилар ўртасида жанглар бошлангани ҳақидаги хабари Фритаунда анча кучли саросима пайдо қилганди. Лекин бу хабарда хатолик борлиги аниқлангач, пойтахт аҳлининг ваҳимаси ёйилди.

Хабарларга қараганда, ҳозир ҳукуматга қарши қуролли кураш олиб бораётган Бирлашган инқилобий фронт етакчиси Фодей Санкох уй қамоғида сақланмоқда. Шу боис исёнчилар ўз ҳужумларини тўхтатиб турибди. БМТ вакилларининг хабарида қайд этилган жанг эса ўтган шанба куни пойтахтдан тахминан саксон километр узоқликда рўй берган.

ЗЎРАВОНЛИКЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Зимбабведа озодлик уруши қатнашчиларининг зўравонликлари давом этмоқда. Куни кеча Президент Роберт Мугабе ҳукуматига муҳолиф бўлган ҳаракатлардан бирининг раҳбари Алан Данн ҳам уларнинг қўлига тушиб, ҳалок бўлди. Хабарларга қараганда, уни калтаклаб ўлдиришган.

Муҳолифат Зимбабведа оқ танли фермерларга қарашли ерлар зўравонлик билан ўзлаштирилишининг бошида Президент Р.Мугабенинг ўзи турганини таъкидлаб келади. У уруш қатнашчиларига хайрихоҳлик билдириш орқали ўз ҳокимиятини мустаҳкамламоқчи экан.

ЎЗ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ЖЎНАТАДИ

БМТ Хавфсизлик кенгаши Эритрея билан Эфиопия ўртасидаги муносабатларни тиклаш учун бу икки мамлакатга ўз делегациясини жўнатмоқчи. Жўнатилажак миссия айни пайтда Марказий Африка давлатлари бўйлаб сафарда юрибди. АҚШнинг БМТдаги вакили Ричард Ҳолбрук раҳбарлигидаги мазкур делегация Конго Демократик Республикасида тинчлик ўрнатиш масаласи бўйича унга қўшни мамлакатлар билан музокара ўтказяпти.

Эфиопия билан Эритрея ўртасидаги қуролли тўқнашувлар кўплаб ҳарбийлар билан бир қаторда минглаб тинч аҳоли вакилларининг ҳам умрига зомин бўлган эди. Африка Бирдамлиги Ташкилоти раҳнамолигида улар ўртасида сулҳ тузилди. Лекин энди томонлар тинчлик битими шартларини бажариш борасида келиша олмаяпти.

БОШ ВАЗИР БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳиндистондаги етакчи партиялар раҳбарлари Бош вазир Атал Биҳари Важпаи билан учрашди. Хабарларга қараганда, мазкур учрашув Шри-Ланкада вазият кескинлашгани муносабати билан ўтказилган.

Бир неча кун илгари жаҳон оммавий ахборот воситалари Ҳиндистон Шри-Ланкага ҳарбий-техникавий ёрдам кўрсатиши мумкинлиги ҳақида хабар тарқатган эди. Лекин Ҳиндистон ахборот вазири Прамод Маҳажан буни инкор этмоқда. Унинг айтишича, айни пайтда Ҳиндистон ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони Шри-Ланкада меҳмон бўлиб турибди. Бироқ Шри-Ланкада вазият кескинлашганига бу ташрифнинг алоқаси йўқ.

Сўнгги вақтларда Шри-Ланкада кечаётган жангларда исёнчиларнинг ҳукумат қўшинларидан устун келаётгани кузатилмоқда.

МУАММОЛАР ҲАЛИ ЕЧИМИНИ ТОПГАНИ ЙЎҚ

Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида жойлашган Рамаллоҳ шаҳрида Исроил Бош вазири Эҳуд Барак билан Фаластин раҳбари Ёсир Арафот ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Уни АҚШнинг Яқин Шаркда тинчлик ўрнатиш масалаларини мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи махсус вакили Деннис Росс ташкил этди.

Ҳали учрашув натижалари ҳақида бирор гап айтиш қийин бўлса-да, Фаластин делегацияси вакилларидан бири бу мулоқот бирор ижобий натижа бермаслигини айтди. Унинг таъкидлашича, томонлар ўртасида ҳали ҳам келишилмаган масалалар жуда кўп. Масалан, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги ерларни қайтариш ва Қуддус шаҳрининг мақоми сингари асосий масалаларга ёндашув борасида ҳеч қандай яқинлик йўқ.

■ **(ЎзА)**

БОРСА КЕЛМАС ДАРВОЗАСИ

«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» МАЙДОНИДАГИ ҒАМГИН ЎЙЛАР

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Бу ватан қандай ватандир, ҳар гўшасида турмалар,
Кўнгани бир ер тополмай осмонда йиғлар турналар.

(«Халқ душмани»нинг қизи йиғлаб айтган қўшиқ)



ТРОЙКА томонидан ўн йил муддатга ҳукм қилинган, сиёсий маҳбус Саид Аҳмад Ҳусанхўжаев.
1952 йил, 15 август

«Дўстлик» ҳамда «Буюк хизматлари учун» орденларининг нишондори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад Ҳусанхўжаев.
Тошкент, 1999 йил, 5 декабрь.

Президентимиз Ислом Каримов иродаси билан барпо қилинаётган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бугун-эрта тантанали вазиятда очилади. Ҳар бир терилган ғиштга, ҳар бир чекилган нақшга зиёратчиларнинг кўз ёшлари томади. Одамлар бу ерга шодон қўшиқлар куйлаш учун эмас, ўйнаб-кулиш учун эмас, азоб-уқубатларда зор-зор қақшаб жон берган жигарларининг руҳлари билан юзма-юз бўлгани келадилар. Ўйга толадилар, соғинчдан пора-пора бўлган юракларини бўшатгани келадилар. Бунда буюк бир сукунат ҳукмрон. Бу ерда хотира, бу ерда хаёллар, ўксиклик, етимлик изтироблари, соғинч ҳукмрон...

Майдон ёнбошидаги темирйўлдан гулдираб, қичқириб шумшук поезд ўтади, баланд, салобатли кўприк тагига бош суқиб сўнгсиз, поёнсиз темир излардан боболаримизни олиб кетган ёқларга, борса келмас Сибирь томон йўл олади. Бу йўлдан ёпиқ вагонларда юз минглаб юртдошларимиз қон қақшаб ўтганлар. Қайтмаганлар.

Болалигимнинг бир бўлаги шу ерда, ҳозир биз «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи деб атаётган жойнинг худди ўзгинасида ўтган. Одамлар «Алвасти кўприк» деб ном қўйган кўприк тагидан тинимсиз поезд ўтарди.

Онамнинг синглиси катта холамнинг боғи шу ерда эди. Боғнинг бир томони «Алвасти кўприк»ка, бир томони Сабзавотчилик тажриба станциясига, этаги темирйўлга туташ эди.

Бу жойлар кечалари жуда ваҳимали, қўрқинчли бўларди. Кўприк тагида ажиналар бор, деб тунда кўприкдан деярли одам ўтмасди. Бу жойларга ҳали электр келмаган, атрофда милт этган бир нур кўринмасди.

Баъзан маҳаллага ГПУ одами келиб, оқсоқолга нималарнидир тушунтирарди. Оқсоқол эса уйма-уй юриб, қоронғи тушгандан кейин кўчага чиқмасликларини, болаларни ҳам уйда ушлаб туришларини тайинларди. Биз болалар барибир қочиб чиқиб кетардик. Биламиз, ГПУ одами бекорга келмаган. Буталар орасига яшириниб темирйўлнинг нарёғидаги «Нажас тепа»га қараб пусиб ўтирардик. Темирйўл бўйлаб милтиқ кўтарган соқчилар у ёқдан-бу ёққа бориб, келиб турардилар. Бошлиқлари камарига тўппонча таққан қоровул боши улардан хабар олиб турарди. Бундай пайтда «Алвасти кўприк»дан бировни ўтказишмасди.

Тун ярмидан оққанида кўприкдан усти берк юк машинаси ўтади. Чап томонга бурилиб «Нажас тепа» олдидаги ўнгир ёнида тўхтайди. Ундан қўли боғланган бешолти кишини туширишади. Русча сўкишлар баралла эшитилиб туради.

Қоронғида ҳеч нарса кўринмайди. Бута шохлари орасидан машина чироғи аранг кўринади.

Бирдан машина фараси дўнгликни ёритиб юборади. Бута шохлари орасидан ўша тарафга тикилиб қараймиз. Қўли боғлиқ етти киши қатор турибди. Улардан ўн беш метрлар узоқликда соқчилар елкадан милтиқларини олиб шай бўлиб туришибди. Затворларнинг шарақлагани эшитилади. Бошлиқ «от!» деган буйруқ беради. Етти милтиқдан баробар ўқ узилади. Қўли боғлиқлардан икки-учтаси йиқилади. Дод-фарёдлар, инграш товушлари эшитилади. Милтиқли кишилар йиқилмай тик турганча чайқалаётган ярадорларга яна ўқ узадилар. Отилганларнинг овози тинади.

Холамнинг ўғли Неъматилла, душманларни отишди, деди. Мен эса даг-даг титрайман. Унинг билагига осилиб, юр, кетайлик, деб қистайман. Жим тур, билиб қолади, деб мени жеркиб ташлайди у.

Қоронғи кечани сукунат босди. Бир оздан кейин ўша жойдан чанг кўтарилди. Пастга ташланаётган тупроқ чанглари машина фарасининг ўткир нурида пастак булутдек аниқ кўриниб турарди.

Темирйўл шпаллари устида у ёқдан-бу ёққа юриб турган соқчилар юқорига чиқиб кетишди.

Машина чироғи тоғ дарахт учларини, тоғ пастак томларни ёритиб орқага бурилди. Кейин «Алвасти кўприк» тепасига чиқиб шаҳар томон шитоб билан кетди.

Орқага қайтяпмиз. Еттинчи лампа ёниб турган қўшнимизнинг йўлагида тўрт киши бош экканча сукут сақлашарди. Дурадгор амаки ҳозиргина шаҳид бўлганлар руҳига қуръон тиловат қиларди. У оятларни шундай ҳазин ўқирдики, беихтиёр йиғлаб юборгинг келади. Зимистон жимлигида қорининг овози тоғ баланд, тоғ паст сузиб юрарди.

Ана шу воқеадан кейин холамнинг боғига жуда кам борадиган бўлдим. Кейинчалик тўйгами, маъракагами борганимда кўприкка чиқиб темир изларга қараб ўйга толаман. Тагидан тинимсиз поезд ўтаверганидан, паровоз тутуни қорайтирган, қурумга тўлган кўприк тагига қарайман.

Мана шу кўприк тагидан поезд мени ҳам олиб кетган. Ўшанда нималарни ўйлагандим? Билмайман. Мени шуур тарк этган, бутун вужудим карахт бўлиб қолган эди.

Эшик ўрни тўр сим билан қопланган тўрт кишилик купега кўрпа-тўшакларию, озиқ-овқатлари билан йигирма етти киши тиқиштирилган. Қани энди, қимирлаб бўлса! Бирининг оёғи бирининг бошида, бирининг боши бошқасининг қўлтиғига қисилиб қолган. Пастда қолганлари букчайиб белларидан босаётганларни аранг кўтариб турардилар.

Биров бировни танимайди. Бир-бирини ўрисчалаб, болахонадор қилиб сўкишдан бўлак гап йўқ. Оёқ остида қолиб кетган маҳбус бор овози билан қичқира бошлади. Соқчи йигит қафас эшигини очиб уни суғуриб олди. Ҳамон додлаётган маҳбуснинг чап қўлини қўлтиғидан ўтказди, ўнг қўлини елкасидан ошириб иккала қўлини бир-бирига тортиб яқинлаштирди. Кейин икки билагига автомат кишанни солди.

Ҳар қандай бардошли одам бу хил азобга чидаёлмасди. Иккала қўл беихтиёр орқага тортилади. Тортилганда автомат кишан билан суякларини синдириб юборгудек қисади. Қани энди бу азобга чидаб бўлса! Маҳбус инграр, ваҳший бир овозда бўкирарди. Ерга думалаб додларди. Соқчилар унга парво қилмайдилар. Аксинча биттаси, бўкирма фашист, деб унинг биқинига икки марта бор кучи билан тепди. Ана шундан кейин у ҳушидан кетди. Овоз чиқармай қўйди.

Бутун умрини қамоқларда ўтказган, шўро ҳукуматининг жами қамоқхоналарини кўрган ашаддий, зўравон блатнойлар ҳам пусиб қолишди. Соқчи хушидан кетган маҳбуснинг бетига сув сепиб, чала ўлик ҳолда судраб яна қафасга тиқди. Қўшни купелардаги ғовурғувир ҳам тинди. Одамлар йўл азоби — гўр азоби, дейдилар. Гўр азоби нима экан? Жаҳаннам азоби нима экан? Бу хил азобларга инсон боласи ҳали ном топмаган.

Бахтсиз инсонларни кўравериб бети қотиб кетган соқчилар учун булар одамми ёки гўштга топшириш учун кушхонага олиб кетилаётган молми, бари бир эди.

Вагон ичида узоқ вақт йўлни кўрмай кетаётганингда аввалига олд томонга қараб кетаётганингни биласан. Бир муддат мудраб кўз очганингда поезд орқага қараб кетаётганга ўхшайверади. Шундай пайтларда сенда қадрдон юртимга қайтиб кетяпман, деган бир илинж пайдо бўлади.

Поезд ҳеч қаерда тўхтамасди. Сиёсий маҳбусларни олиб кетаётган эшалонга станцияларда алоҳида «ҳурмат» билан йўл бўшатиб беришарди.

Бир катта станцияда — менимча Олмаота станцияси бўлса керак, узоқ туриб қолдик. Икки офицер ва тўртбешта солдат йўлакда пайдо бўлди. Катта папка қўлтиқлаб олган офицер қўлидаги рўйхатга қараб маҳбусларни номма-ном чақира бошлади.

— Номи чиққанлар юклари билан йўлакка чиқсин, — деб буйруқ берди у. Икки соатлар чамаси вақт ичида вагон енгиллаб қолди. Бизнинг қафасдан ўн тўққиз киши кўрпасини кўтариб чиқиб кетди. Офицер:

— Ширимбетов, юкинг билан чиқ! — деб буйруқ берди.

Ширимбетов тунов куни қўлига кишан солинган, соқчидан тепки еган маҳбус эди. У ҳали ҳам хушига келмай икки букчайганча махбусларнинг оёғи остида ётарди. Офицер уни яна икки марта чақирди. Аммо Ширимбетовдан садо чиқмасди. Икки соқчи уни судраб олиб чиқмоқчи бўлди. Ширимбетов ўлган, танаси ҳам аллақачон совиб бўлган эди. У қачон ўлган, ҳеч ким билмасди. Уни икки соқчи кўтариб йўлакка олиб чиқди. Унга кишан солишганда азбаройи тиқилинчда орқамга бурилиб унга қараёлмаган эдим. Унинг юзига энди кўзим тушди. Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги ҳали мурти чиқмаган қорақалпоқ боласи эди.

Ширимбетов букчайганча, оёқлари букилганча қотиб қолган эди. Ҳалигача очиқ турган кўзларида нур сўнган. Чексиз алам, изтироб, нафрат акс этган бу кўзлар энди лоқайд, ҳеч қандай маъно англатмас эди.

Қафасда етти киши қолдик. Ёнимиздаги бўшаб қолган қафасга биздан яна уч кишини опчиқиб кетишди. Энди бизга жой бемалол бўлиб қолди.

Шерикларимиздан бири Шинжоннинг Ғулжа шаҳридан Ўрта Осиё Давлат университетига ўқишга келган, жосусликда айбланиб «Тройка» томонидан ўн йил муддатга ҳукм қилинган Қодирхон деган уйғур йигити эди. Яна бири ёши етмишлардан ошган соқов. Қай миллатга мансублигини сўраб билолмадик. Кар-соқовлар ўртасида советларга қарши ташвиқот юритгани учун қамалган, бармоқларини букиб кўрсатишича ўн беш йилга ҳукм қилинган ашаддий «душман» экан.

Яна бири қайсидир район газетасининг муҳаррири, райком бюросининг аъзоси бўлган. Пленумда учинчи секретарликка тавсия қилинган, районда суюқоёқлиги билан ном чиқарган аёлга қарши овоз берган. Эри рус бўлгани учун ёқлаб овоз бермагансан, деб миллатчиликда айблашган. Етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Қамоқда зўравон блатнойлар огзидаги тўртта тилла тишини қоқиб олганлар, милклари, лўнжлари шишиб кетган. Йигирма беш ёшлардаги Абдулла Ғаппоров деган чиройли бир йигит эди.

Поезд илгарилаб борарди. Не манзилу не марохиллардан ўтмадик. Бу қафас-вагон уйларга кимлар чиқмадию, кимлар тушмади. Бутун шўро заминининг қон томиридек таралган темир излар бўйлаб судралган «Бахтсизлар уйи»да бугуни қоронғу, эртаси номаълум ЗЕК деб аталмиш жисмоний шахслар сарсон-саргардон кезарди.

Лагерга келганимдан кейингина «қонуний» маҳбус мақомига эга бўлдим. Шу кундан бошлаб зек номини олдим. Бу жойда йигирма йиллаб рақам билан аталган ва ўз номини унутиб юборганлар кўп эди. Улар кимликларини уйларидан тўртбеш йилда бир келадиган посилка қутиси устидаги ёзувдан билардилар.

Лагеримизнинг тепасига тиканли сим қадалган, ўртаси йўлакли икки тош девор аёллар бўлимидан ажратиб турарди. Шу қўш девор орқасидаги маҳбус аёлларнинг бақириш-чақиришлари, қўшиқлари, йиғилари, қарғишлари аниқ эшитиларди. Йиллаб аёл кўрмаган маҳбуслар бу овозлардан қийқириб юборардилар. Баъзан ўша томондан шамол эсганда аёл ҳидига қоришган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олардилар.

Карантин муддатини ўтаб бўлган кунимнинг эртаси мени лагер бошлиғининг ёрдамчиси чақиртирди.

— Ёзувчимисан? Энди касбингни ўзгартиришингга тўғри келади. Муҳим топшириқни бажарасан. Қандай топшириқ эканини зонадан ташқарига чиққанда биласан.

— Қани, марш! — деди у истеҳзоли кулиб. Ёзувчи эмиш, ҳозир ким кўп, ёзувчи кўп. Гўрков кам, билдингми?

Соқчи мени эргаштириб ташқарига олиб чиқиб, кекса қозоқ назоратчига топширди. Бошлиқ ёрдамчиси бу бўшаган ёзувчи қаёққа қочарди, деб ўйлаган бўлиши керакки бешотарни аранг кўтарадиган назоратчига мени топширган.

Штаб олдида оқ халат кийган итхона ветеринари иркитгина чол бир қўлида белкурак, бир қўлида қоғоз қоп ушлаб кутиб турарди.

— Шуни қабристонга обориб кўмиб келасан.

Қоғоз қопда ўн беш килоча келадиган муздек бир нарса бор эди. Олисда маҳбуслар қабристони кўриниб турарди. Елкамда белкурак, қўлимда оғир қоғоз қоп, орқамда бешотар кўтарган назоратчи етовида йўлга тушдим.

Қандоқ кунларга қолдим, дейман ўзимга ўзим. Қабристонга етиб келганимдан кейин қопни очдим. Очдиму миямга чақин урилгандек бўлди. Қопда немис овчаркасининг музлатилган мурдаси бор эди. Бўшашиб харсанг устига ўтириб қолдим. Назоратчи махорка тутатиб олис-олисларга тикилиб ўтирибди.

У томоннинг чўллари бепоён эди. Мис кукунларидан занглаган чўл яшил туса кирган. Олисда адашган ёлғиз туя қимирламай турибди. Саробда унинг акси худди чайқалган ховузда кўринаётгандек тоғ чўкиб, тоғ пайдо бўлади.

Икки соатча уриниб тошлоқ ерда бир ярим бурма болиш сиғадиган гўр қазидим.

— Ўтир, дамингни ол, — деди назоратчи. — Не ернинг боласисан? Унга тошкентликман, деб жавоб қилдим.

— Ташкент улкан қала, Астана қала, — деди.

Қопдан итнинг қотиб қолган ўлигини олиб тупроқ устига қўйдим.

— Бу ит генералимизнинг ити. Қочган маҳбусларни тутишда бунга тенг келадиган ит топилмасди. Лагердан қочган бир маҳбус уни лом билан уриб ўлдириб қўйган. Аблах ҳалигача қўлга тушгани йўқ. Генерал Москва касалхонасида операция бўлган. Ҳали-бери келмас эмиш. Бошлиқларимиз итининг ўлганини телефонда айтиб ундан кўнгил сўрашди. «Кўринарли жойга кўмингдар, борганимда ўзим унга ёдгорлик ўрнатаман» деган телеграмма келди. Бечора бефарзанд эди. Шу ит билан овунарди. Энди унга қийин бўлади.

— Итми ё генералнинг ўзи бефарзандми? — дейман киноя билан. Назоратчи, тилинг қурсин, заҳаргина экан, — деди гапим малол келганидан.

Аҳволимдан, қилаётган ишимдан ўз-ўзимга хўрлигим келди. Азизнинг боши ерда, итнинг боши мис товоқда, деб шуни айтсалар керак-да. Неча минг одам хор-зорликда мис конларида ўпкаси зангдаб жон беряпти. Уларнинг қадри шу итчалик йўқ.

Бунда генераллар, полковниклар амалдорнинг ўлган итига мотам тутадилар. Эгасига ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Итни кўмиб орқага қайтяпмиз.

— Жуда юзага кўмдинг чироғим. Тунда қашқирлар тупроқни тимдалаб очиб, итни еб кетадилар. Тупроқ устига оғирроқ тош бостириб қўйиш керак эди. Бу ишинг учун генерал сени соғ қўймасов.

Орадан икки ҳафтача вақт ўтиб назоратчи менга бир «хушхабар» етказди. Генералнинг Кисловодск санаторийсида биров палатада сўйиб кетибди. Бу ишни лагердан қочганда итни ўлдирган маҳбус қилган бўлиши керак, деб гумон қилишаётган эмиш.

Бутун нафратимни ҳазилга қоришгириб дедим:

— Ўлигини шу ерга олиб келишса итининг ёнига ўзим яхшилаб кўмиб қўярдим. Тепасига «Бу гўрда иккита ит ётибди» деган лавҳа қўярдик.

Назоратчи сергакланди.

— Сен болага ўн йил камлик қилаётганга ўхшайди. Бу гапинг учун яна ўн йил қўшиб қўйишларини биласанми?! Оғзингга эҳтиёт бўл. Эшитса сексотлар дарров сотади. Айтганча, кўмиб келган итимизни ўша кечасиёқ шоқоллар еб кетибди.

Бизнинг баракда ўн йил муддатини ўтаб бўлган, бугун-эрта озодликка чиқишни сабрсизлик билан кутаётган Дадажон деган андижонлик киши бор эди. У билан кўп гаплашардик. У мени почча, деб атарди. У эртадан кечгача ғимирсиб кетишга тайёрланарди. Йўлда кийиб кетиш учун ўзига бризент қўлқопдан шиппак тикди. Хомсуруп чойшабдан украин чолга куйлак тикдирди. Яшиклардан кўчириб олган фанердан чемодан ясади. Болаларининг олдига қуруқ бормасин деб баракдаги юз чоқли биз маҳбуслар баҳолиқудрат бир сўмдан, икки сўмдан пул тўплаб чўнтагига солиб қўйдик.

— Почча, — дерди ажиб бир энтикиш билан у, — албатта Тошкентга тушиб ўтаман. Саидахонга сиздан салом етказаман. Андижонга борганимда ҳовлиларига кириб оналарига ҳам саломингизни етказаман.

Дадажон ўн йиллик азоб-уқубатлар юкини елкасидан тушириб озодлик остонасида энтикиб-энтикиб турарди.

Ниҳоят уни махсус бўлим вакили чақирди. Ўн беш чоқли маҳбус уни кузатиб чиқдик. Дадажон қушдек енгил бўлиб ичкарига кириб кетди.

Ҳозир у чиқади. Уни бағримизга босиб эркинлик билан қутлаймиз. Беш минут ўтмай у елкасида оғир тош кўтариб келаётгандек букчайиб чиқди. Нима бўлди, деб ундан сўраймиз. У гапиролмас, тили танглайига ёпишиб қолгандек энтикарди. У зўрға «яна беш йил» деяолди, холос.

Тройка — махсус кенгаш (Особое совещание) ҳукм қилган маҳбус муддатини ўтаб ҳам қутулолмасди. Махсус кенгаш қарори абадий қамоқ жазоси билан тенг эди.

Дадажон адойи бади бўлди. Букчайиб, бир ойда сочлари оппоқ пахтадек бўлиб қолди.

Эллик биринчи йилнинг октябри оёқлаб қолган. Айтишларича бу жойларнинг қиши қаттиқ бўлади. Ҳозирданоқ очиқда қолган идишлардаги сувларнинг бетини пиёз пўстидек муз қоплайди. Эртанги кун ҳеч қандай яхшилик ваъда қилмайдиган куз кечалари нақадар ҳазин, нақадар оғир. Истиқболда бирон йилт этган нур кўринмайдиган совуқ оқшомларда ўзингни ўлдиргинг келади.

Мени ҳам «особое совещание» ўн йилга ҳукм қилган. Энди бир ярим йили ўтди. Олдинда яна саккиз йилдан ортиқ қора кунлар...

Яшагим келмай қолди, кўнгилни кўтарадиган, яшашга ундайдиган бирон гап тилимга келмайди.

Бу оқшом ухламай Саидахонга хат ёзяпман.

«Саидахон, салом!

Бошингизга тушаётган кўргиликлардан хабарим бор. Сизни қийин-қистовларга олишаётганини эшитдим. Илтимос, шуларнинг гапига киринг. Йўқса жувонмарг бўлиб кетасиз. Қамоқдан қачон чиқиши номаълум бўлган одам учун кўпам ўзингизни қийнаманг. «Эримдан кечдим» деб ёзиб беринг. Ўлай агар, хафа бўлмайман. Сиз яшашингиз, ижод қилишингиз керак. Шунча азобларга чидаяпманми, бунга ҳам чидайман.

Умуман олганда ўзимнинг ҳам яшагим келмай қолди.

Сиз озод қуш эдингиз, менга тегиб қафасга тушдингиз. Шу қафас эшигини бугундан бошлаб очиб юборишга қарор қилдим. Мен тўғримда ўйламанг. Мени йўқ деб билинг, Сизнинг яхшиликларингизни, атиги беш ойгина яшаган тотли кунларимиз хотирасини ўзим билан олиб кетаман.

Хайр. Қандоқки гуноҳларим бўлса барига тавба қилдим. Хайр.

Саид Аҳмад. 1951 йил, 21 октябрь».

Хатни қозоқ назоратчисига бериб, вагон почтаси қутисига ташлашни илтимос қилдим.

Эллик иккинчи йилнинг 24 январида Саидахондан хат келди. Гинаю-таъналарга тўлган хатни ўқирканман ўксиб-ўксиб йиғладим. Бу қамалганимдан бери иккинчи марта йиғлашим эди.

Бир оғиз сўз, биргина оғиз сўз юрак-бағримни алғов-далғов қилган, ич-ичимдан кўз ёшларимни мижжаларимга олиб чиққанди. «Сизга кийим-бош олиб қўйдим» деган эди Саидахон ўшанда.

Ўйлаб қарасам шу пайтгача ҳеч ким менга меҳрибончилик қилмаган экан. Гўдак пайтимда, эсимни танимаёқ ўз ташвишимни ўзим тортган эканман.

Биров менга манавуни еб ол демаган, биров менга манавуни ол, деб бир сўм бермаган экан.

«Сизга кийим бош олиб қўйдим...»

Бу сўз ғойибдан келган илоҳий бир сўз эди. Бу сўз бутун вужуд-вужудимга сингиб кетган иссиқ, ёқимли сўз эди.

Мана, энди бу хат бутун ҳаётимни силтаб ташлади.

«...Беҳуда хаёлларга борманг. Сиз нима бўлсангиз мен ҳам шундай бўламан. Ҳеч қандай қийин-қистовлар мени сиздан ажратолмайди. Яшасак бирга яшаймиз, ўлсак бирга ўламиз.

Сиз бунақа иродасиз одам эмасдингизку, нима бўлди? Чиданг, аёл бошим билан мен чидаяпманку! Ҳали олдимизда эҳҳе, қанча яхши кунлар бор. Уйлар қурамиз, боғлар қиламиз. Энди хатни кулибкулиб ёзинг, хўпми? Хайр.

Сизга ҳамиша ва яна ҳамиша садоқат билан Саида.

1951 йил 30 декабрь.

Сизни кириб келаётган янги 1952 йил билан табриклайман. Илоё 53-йилни бирга кутиш насиб қилсин.

ИЛОВА:

Хабарингиз бор, мени союздан ўчиришган. Агар эрингиздан кечсангиз яна союзга қайтариб оламиз, дейишди. Мен гапимдан қайтмайман, деб жавоб қилдим».

Кеча Дадажоннинг жанозасини ўқидик. Жасадини бричкада зонадан опчиқиб кетишди.

Тоғ кулиб, тоғ йиғлаб эллик иккинчи йилни ҳам ўтказдик. Маҳбуслар ҳар бир байрамни ёш болалардек сабрсизлик билан кутишади. Байрамда албатта амнистия бўлади, деб умид қиладилар. Байрам ўтгач ҳавоси чиқиб кетган пуфакдек бўшашиб қоладилар ва бўлғуси байрамдан умидвор бўлиб яшайдилар.

Эллик учинчи йилнинг баҳори ҳам келди. Бу баҳор мамлакатнинг сиёсий ҳаётини бутунлай ўзгартириб ташлади. СТАЛИН ЎЛДИ! Бутун мамлакат мотамда. Радио куни билан оғир, юракларни ўртовчи хазин куйлар эшиттиряпти.

Марказнинг буйруғи билан доҳий Сталин мавзолейга қўйилаётганда Совет мамлакатининг жамики ҳудудларида поездлар, кемалар, машиналар, ҳамма транспорт воситалари келган жойларида тек қотадилар. Заводлардаги станоклар тўхтатилади. Мамлакатнинг икки юз миллиондан ортиқ фуқароси тик туриб бир минут сукут сақлайдилар.

Лагеримиз бошлиқлари жами маҳбусларни тўрт қатор қилиб сафга тиздилар. Икки мингдан ортиқ маҳбус тик турибди. Соқчилар бошлиғи, лагер бошлиғининг ёрдамчиси, назоратчилар ниманидир кутишяпти. Бошлиқ билагидаги соатга тез-тез қараб қўяди.

Радиода Кремль соатининг жаранги эшитилди.

— Азиз фуқаролар, азиз фуқаролар, диққат, диққат! Бир минут тик туриб сукут сақлансин!

Шундан кейин сукунат бошланди. Бутун мамлакат мотам сукунатига ғарқ бўлган.

Қўш девор орқасидаги аёллар зонасида қувноқ қўшиқ янгради. Юзлаб аёллар қўшиққа жўр бўлишди. Кетма-кет шўх лапарлар бирибирига уланиб кетаверди. Тиканли сим нарёғида буюк мотам, бери ёғида байрам бўлаётган эди.

Эркаклар зонасидаги маҳбуслар ўринларидан турмадилар. Уларни солдатлар милтик қўндоғи билан урсалар ҳам ўтиравердилар.

Аёллар зонасидан биз эркаклар шаънига таънолар ёғиларди.

— Эркакмисанлар, сенларни Сталин пичиб қўйган. Эркак бўлсаларинг бошла қўшиқни. Бугун айтмасанг, қачон айтасан шодлик қўшиғини!

Шу гапдан кейин ўтирмай тик турганлар ҳам ўтириб олишди. Уларни дўқ-пўписа билан ҳам ўринларидан турғизиб бўлмади. Чап томондан журъатсизгина бошланган қўшиққа бошқалар ҳам аста-секин қўшила бошладилар. Икки минг маҳбус «Бродяга Байкал переехал» деган қўшиқни айтабошлади. Бу қўшиқни мамлакатдаги жами лагерларда маҳбуслар дард билан, мунг билан хониш қилардилар.

Маҳбуслар Москванинг «Централка» деб аталган қамоқхона тўғрисидаги қўшиқни бошлашди. Қўшиқда «Централка, централка, сенинг қалин деворларинг орасида менинг ёшлигим, менинг талантим қурбон бўлди» деб куйланарди.

Украин, белорус маҳбуслар «Гопак»ка рақс тушиб кетдилар. Кавказликлар «Лезгинка»га ўйнардилар. Ўтирган икки минг маҳбус баробар «Асса», «Асса» деб чапак чаларди. Ўзбеклар «Андижон полка»сини бошладилар. Бу ерда «майда миллат» деб аталган ўзбегу қозоқлар, қирғизу туркманлар ҳам рақсга тушиб кетдилар.

Соқчилар бошлиғи ўйиннинг тўхтатмоқчи бўлиб ҳавога автоматдан уч марта ўқ узди. Барибир ўйин тўхтамади. Деворнинг нариёғидан балли, балли, йигитлар деган товушлар кела бошлади. Мен ҳам қизиқиб кетиб ўрнимдан турдиму ичимда минғиллаб «Тановар»га ўйнай бошладим.

Қамоқхона бошлиғининг ёрдамчиси мени ўйиндан тўхтатди.

— Сенга нима бўлди? Сен ахир ёзувчисан, буларни тўхтатишимизга ёрдам беришинг керак.

— Мен ёзувчи эмасман, ит кўмадиган гўрковман.

Шундай дедиму ўтириб олганлар орасида минг хил муқом билан ўйнайвердим.

Ўтириб олганлар баробар қарсак чалардилар.

Доҳий Сталин ҳурматига билдирилган бир минутлик сукут лагеримизда ана шундай тантанали вазиятда ўтган эди.

* * *

Хаёллар, хаёллар, интихосиз, сўнгсиз хаёллар, сиз мени қай манзилларга бошладингиз? Энди бу йўлларга мени бошламанг. Бу манзилларда умрим гуллари тўкилган. Ёшлик туғёнлари шу жойларда сўнган. Ҳур бўлиб яратилган инсоннинг қанчалик хор бўлишини, ота-онаси яхши ният билан қўйган исмини рақамларга алмаштирилганини наинки кўрдим, аксинча, ўз бошимдан кечирдим. Инсонга бир марта бериладиган умрнинг яхлит бир парчасини юлиб қолган бу манзилларни қайта кўрмоқ нақадар оғир ва кўнгилсиз.

Шу топда бир вақтлар «Алвасти кўприк» деб аталган жойда олисларга, Сибир ёқларга чўзилиб кетган темир изларга қараб ана шундай изтиробли хаёлларга бердим.

Кимдир этагимдан тортди. Ўгрилиб, қарадим? Инвалидлар аравачасида ўтирган икки оёғи йўқ кексагина бир одам менга қараб жилмайиб турарди. Қаердан кўрганман уни? Кўзлари жуда таниш менга,

— Мени танимадингиз-а? Унутган бўлишингиз мумкин. Учрашганимизга эллик йил бўлган. Эсингиздами, сиз билан мана шу йўлдан маҳбуслар вагонида бирга кетганмиз.

— Тўхтанг, тўхтанг, — дедим хотирамни жамлаб. — Сиз, сиз Абдулла Ғаппоров эмасмисиз?

— Хотирангиз жойида экан. Топдингиз.

У қайсидир туман газетасига муҳаррир бўлган, бир бузуқ хотинни райком секретарлигига ўтишига қаршилик қилган, унинг эри рус бўлгани учун қаршилик қилгансан, яъни миллатчилик қилгансан, деб айблашган...

— Сизнинг китобларингизни ўқиб тураман. Баъзан телевизорда ҳам кўриб қоламан. Оёғимга қараб ҳайрон бўлаяпсиз-а? Оёқни лагерда эсдалик учун ташлаб келганман.

У шундай деятуриб мийиғида жилмайиб қўйди. Бу жилмайиш кулги ҳам эмас, йиғи ҳам эмасди. Ҳар иккивининг орасидаги тушуниб бўлмас бир ифода эди.

Бир қўлида йўргакланган чақалоқ кўтарган, икки ўғил бир қизалоқни эргаштирган эллик ёшлардаги аёл уни чақирди.

— Э, чақалоқ муборак, — дедим унга.

— Бу чақалоқ неварам. Анавуларнинг биттаси менинг ўғлим, қолганлари неваларим.

Абдулла Ғаппоров болаларга томон кетди. Темирйўлнинг нариёғига қарайман. Етти маҳбус отилган жойни қидираман. У жойлар энди йўқ бўлиб кетибди. Шу етти бахтсиздан хотира бўлиб қулоқларимда етти ўқ овозию уларнинг дод-фарёдлари қолган холос.

«Халқ душмани»нинг қизи қуйлаган қўшиқ яна ёдимга келади:

Сиз асир бўлган қафасни тишларим бирлан бузай,
Бузмасам маҳшар куни бағримни армон тирналар...

Тошкент, 2000 йил 4 май.

Профессор Умарали НОРМАТОВга хат

Азизим Умарали! Сиз ҳар кўришганимизда «Бошингиздан ўтган воқеаларни ёзинг!» деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?

У воқеаларни ёзмоқ учун хаёлан қамоқ лагерларига боришим, ўша азоб-уқубатларни қайтадан бошимдан кечиришим керак. Бунга энди юрагим бардош беролмас, дегандим.

Мана, «Борса келмас дарвозаси»га нуқта қўйдим. Ўрнимдан турайтганимда бошим айланиб, ўтириб қолдим. Ичкари уйда телевизор кўриб ўтирган куёв ўғлим Маҳмуджонни чақирдим. У рангимни кўриб қўрқиб кетди. Шошиб томиримни ушлади. Ичкаридан аппарат олиб чиқиб қон босимимни ўлчади. 190 га 110.

Беш кун кечаю-кундуз ухламай ушбу хотирани ёздим. Гўё беш кун қайтадан қамалиб чиқдим.

«Сароб» деган ҳикоямни ўқигансиз. Унга ҳам нуқта қўйганимда шу аҳволга тушгандим. Ўшанда мени шу Маҳмуджон ўлимдан сақлаб қолганди. Кечаси соат учда неварам шаҳар уйимизга телефон қилиб дадасига аҳволимни айтганида, у гўё Қибрайга учиб келган эди, «Тез ёрдам»ни чақириб касалхонага оборган.

«Сароб»да ҳам лагер, қамоқ воқеаларини ёзгандим. Юрак кўтаролмади. Шундоқ бўлишини билатуриб ёзганидим кейингилар билсин, деб ёздим.

Ўқиб кўринг, маъқул бўлса беҳад қувонардим.

Сизга самимий салом билан С. А.

5 май, 2000 йил

«ҲАММАГА ОЗОДЛИК ЙЎЛИНИ КЎРСАТИНГИЗЛАР!»

Ўтмиш ёнар. Омонлик йўқ ҳеч кимга. Ватан ўз қонига бўялиб ётар. Умидла кутади миллат тонгларни. Зулмат қоплаб олар бутун дунёни. Яланғоч қиличнинг ўткир дамида сўйилар озодлик. Милтиқдан отилган олов тиғида кўксини чангаллаб йиқилар қуёш. Юлдузлар чўкади. Ер узра ёниб. Шаҳидлар, шаҳидлар ўнлаб, юзлаб, минглаб етим овозлар, ҳайқириқ, аср ўз боласин кўмар тупроққа.

Узоқ, мудҳиш уйқунинг ҳиди келар Ватандан, шўрлик болаларни уйғотгувчи йўқ. Ҳатто энг даҳшати, улуғ боболар қабрин изласангда ундан излар йўқ.

Улуғ шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига ёзганидек:

Билгисиз қабрингни
қоро тунларда
Амалимнинг шамин
ёқиб изладим.
Қизил ва пок қоннинг
исларин сочгач,
Кучсиз қўйи юришимни
тезладим.

Даҳшат кезиб юрар мамлакат узра, миллат ўз йўлини йўқотиб қўйган, миллат дея ёнганларнинг ҳаттоки қабри ҳам «билгисиз». XX аср бошида «Туркистон жадидларининг тан олинган раҳнамоси, мустақил жумҳурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, ўзбек драмачилигини бошлаб берган биринчи драматург, театрчи, ношир, журналист» (Б. Қосимов) Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг вафоти ҳақида қуйидагилар зикр этилган. «Лекин шу чоқда раҳмсиз жаллод муовинлари ила етишиб келиб аларни намоз ўқирга қўймоғон ва энг аввал Беҳбудий ҳазратларини жойнамоз устида бошини кесган. Сўнгра бекнинг хизматкорлари мазкур шаҳидларнинг наъшларини чиқариб, ўзлари қазғон қабрларга кўмганлар ва қабрларни (билинмасун деб) ер ила тегиз этганлар». (Ҳожи Муин Шукрулло ўғли).

Маҳмудхўжа Беҳбудий умр қуёшининг ботаётганлигини англаб етади. У ёнидагилардан бирига ўз васиятларини ёзиб қолдиради. Васиятнома ушбудир:

«Эй Туркистон маориф ишларида бўлғон ўртоқ ва ўғлонларим! Мен ўзим гарчанд банди бўлсам-да, сизларни эсимдан чиқармайман ва сизларга бироз васият қилиб ўтаман. Мани севар ўртоқларим! Маним сўзларимни қулоқларингизга олингизлар. Сизларга васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларни бошини силангизлар! Маорифга ёрдам этингиз! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар. Ҳар иш қилсангиз жамоат ила қилингизлар! Ҳаммага озодлик йўлини кўрсатингизлар! Озодликни тезлик ила юзага чиқарингизлар».

Ўлим олди ўйлари. Буюк бобомиз Беҳбудийнинг ушбу ҳайқириқлари юракни ларзага солади. Йўқ-йўқ унинг қабрини йўқотиб бўлмайди. Беҳбудий қони сачраган тупроқ, ўт-ўланлар, унинг беғубор мовий осмони Озодликнинг садосини, садонинг акс садосини авлодларга олиб келди. Унинг руҳи ўзининг ушбу сўзлари ила абадий яшамоқда.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг «Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли» номли асарини ёзди. Бу асар ўзбек драмачилигининг биринчи намунасидир. Беҳбудийнинг бу асарни ёзишдан кўзлаган мақсади миллатни илм олишга чақиришдир. Жадидларнинг раҳнамоси, шуни англаб етган эдики «Сиз илгари замонда бир нави ила бой бўлубсиз, аммо энди бой бўлмоқ нари турсун, фақат рўзғор ўткармоқ учун (ҳам) илм керак. Ўқимаган бойваччаларни кўрамизки, ота молини барбод этар ва охири хор ва зор бўлур, бинобарин, ўғлунгизни ўқутмоқни сизга таклиф қилурман». Миллатнинг бу ҳолидан алам ва изтиробга ботган (зиёли) Беҳбудий «Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганлар-да, беилмликдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқутмаймиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмфармо бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқумоқ ва ўқутмоқдан бошқа илож йўқдур», дея ушбу асарга сўнгги нуқтани қўяди. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларидаги миллатнинг забун аҳволидан огоҳликка чақирув сифатида ёзилган «Падаркуш» ўз муаллифига жуда катта шуҳрат келтирди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг «Муҳтарам ёшларга мурожаат» номли машҳур мақоласида «Муҳтарам биродарлар! Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндурки, макотиб — тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Маданияти ҳозирадан маҳрум қолуб, саноеъ ва маориф салоҳи ила қуролланмаган миллат эса, дунёда роҳат ва саодат юзини кўролмас» дея ёшларимизга дил дардларини тўкиб солади. Унинг ҳар бир мақоласи ёки асарларида, миллатнинг ҳурлик истар болаларига мурожаатлар бор. Беҳбудийнинг «Туркистон тарихи керак» номли мақоласида қуйидаги сўзлар баён этилган: «Туркистон тарихи» бор бўлганда, они кўз олдимизда қуюб, бурунғи қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига эса кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хуйли ибрат олар эдук». Ўтмишдан баҳра олиш, тарихни мукаммал билиш, боболарга ҳақиқий ворислар бўлиб етишиш улуғ инсонларнинг энг эзгу орзулари бўлганлиги юқоридаги ўтнафас сўзлардан ҳам маълумдир. Бундан ташқари Беҳбудий «Икки эмас, тўрт тил лозим» номли мақоласида ҳам тил билишнинг муҳим омилларига эътибор қаратади: «Биз туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур». Демак, дунёга чиқишнинг энг биринчи шарти бўлган тил билмоқлик ҳамма замонда ҳам зиёли, маърифатпарварларнинг ўз олдиларига, ёшлар олдига қўйган биринчи талаблари бўлган.

Ўзбек жадид адабиётининг асосчиси, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси бўлмиш Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг асримиз бошидаги маърифатпарварлик ҳаракати жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Унинг ёвузларча ўлдирилиши эса миллат учун даҳшатли йўқотиш эди. Беҳбудийнинг сирли ўлимидан гувоҳ бўлган миллат зиёлилари минглаб марсиялар битишди:

БЕҲБУДИЙНИНГ САҒАНАСИНИ ИЗЛАДИМ

Чўкмишди ер узра
олам тўсуғи,
Уксузлик бойқуши
қанот қоқарди.
Ботувда қизориб турғон
булутдан
Эзилган кўнглумга
мотам ёғарди.

Фитрат.

БЕҲБУДИЙНИНГ РУҲИҒА ИТҲОФ

Сани мундин буён Турон,
Кўролурми, кўролмасму?
Санинг мислингни
Туркистон,
Тополурми, тополмасму?

Содриддин Айний.

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИ

Азиз отам, қўлимдаги
гулларнинг
Мотам гули эканлигин
билмайсан.
Шодлик гули кўпдан
бери сўлганин
Ер остида пок
руҳинг-ла сезмайсан.

Чўлпон.

Асримизнинг сўнггисида озодлик учун шаҳид бўлганлар хотирасига «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси бунёд этилмоқда.

Буюк аждодларимизнинг руҳи ҳамиша бизга мададкор бўлсин.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

СПОРТ

МАЙДОНАРО ЗАВҚИ БЎЛАКЧА

Республика «Ҳавас» турнири ғолиблари аниқланди

Юртимизда кичик тўп ошуфталари кўпайиб бормоқда. Теннис энг севимли ва оммавий спорт турларидан бирига айланмоқда. Ҳозир ҳар бир вилоят марказида халқаро андозаларга мосланган, нуфузли мусобақалар ўтказса бўладиган теннис ўйингоҳлари барпо этилган. Пойтахтдаги «Юнусобод» теннис кошонаси-ю «Динамо» теннис мажмуи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Йил бўйи катта-кичик мусобақаларнинг узлуксиз ўтказиб келинаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Хусусан, Челленжер турқумига кирувчи баҳслар, Фьючерс, Буюк ипак йўли, Дэвис кубоги, аёллар турнири ҳамда «Президент кубоги» шулар сирасига киради.

Республика «Ҳавас» турнири эса 5-марта бўлиб ўтди. Тошкентнинг «Динамо» теннис мажмуасидаги қатор майдончалар яна гавжумлашди. Икки кун мобайнида мамлакатимиз раҳбар ходимлари, ҳокимлар, вазирликлар, концерн, компания бошлиқлари майдонга тушдилар. Улар кимлигидан, қандай лавозимда ишлашларидан қатъи назар майдонда спорт формасида жавлон уришлари ўзига хос ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик ва холисона баҳс хислатларини юзага чиқарди.

Мусобақада юзга яқин теннисчи иштирок этди. Саралаш баҳсларидаёқ теннисчиларнинг маҳоратлари ошгани, тажриба тўплашгани, кичик тўп билан муомала қилиш ҳаддисини олишгани кўзга ташланиб турди. Учрашувлар одатдагидек жуфтликлар ва яккама-якка баҳслар тарзида уюштирилди. Бу сафар жуфтлик баҳслари финалида Самарқанд шаҳар ҳокими Азиз Носиров жуфтлиги 6:3 ҳисобида муваффақият қозонди. Якка баҳсларда республика енгил саноат ассоциацияси раиси ўринбосари Федор Ким республика Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси Вячеслав Волкуновни 6:2 ҳисобида доғда қолдирди. Шундай қилиб «Ҳавас» турнирининг ғолиблари аниқланди. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида Алишер Отабоевга «Тараққиёт», Азиз Носировга «Ғалабага бўлган иродаси учун», Атхам Миржалиловга «Теннисга бўлган садоқати учун», Фёдор Кимга «Мухлислар меҳри учун» совринлари тақдим этилди. «Ҳавас» турнири ҳар галгидек мухлисларда унутилмас таассурот қолдирди.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

БИРЖАДАГИ БИРИНЧИ САВДО

Андижон шаҳрида янги ташкил этилган муниципал биржада кўчмас мулкларнинг биринчи савдоси ўтказилди. Дастлабки савдода 2 миллион сўмлик кўчмас мулклар сотилди.

Муниципал биржа жамоаси кўчмас мулк, товар ва хомашё ресурслари бозорини ривожлантириш, бу борада соғлом рақобатни юзага келтириш, сервис, консальтинг ва маркетинг хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, бозорда битимларни амалга ошириш учун энг кам харажатлар қилиш, кимошди, танловлар, биржа савдолари тизимини такомиллаштириш, хориж сармоялари ҳамда технологияларини жалб этишга астойдил киришди. Бу келгуси савдолар янада яхши бўлишига ҳисса қўшади.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Ёшлар доимо сизлар билан фахрланадилар. Тоҳир НИҒМАТУЛИН олган сурат

ҲДП ХАБАРЛАРИ

КОТИБЛАР САЙЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП қатор шаҳар ва туман кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда ташкилий масалалар кўрилди.

Ўзбекистон ХДП Нукус туман кенгашининг биринчи котиби этиб Абдулла Давлетов, Қўқон шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб З. Ҳошимова, Данғара туман кенгашининг биринчи котиби этиб З. Ҳамроалиева, Окдарё туман кенгашининг биринчи котиби этиб Равшан Эшимов, шунингдек Андижон вилоят Кенгашининг иккинчи котиби этиб Абдулҳамид Носировлар сайландилар.

ЧИННИБОП АШЁ

Қизилқум кенгликлари туганмас бойликларга эгалиги яна бир бор исботини топди. Олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо қазилма бойликлар олинаётган бу сарҳаднинг Навбаҳор туманига туташ Қоратоғ этакларидан яна бир кон топилди. Ноёб саналган бентолит хазинасининг 7 миллион тоннадан ортиқ захирага эгалиги тахмин қилинмоқда. Гилл ва чиннибоп бирикмалардан иборат бу хомашё рўйхатдан ўтказилди. Бентолит гилининг ҳар тоннаси жаҳон бозорида 222 АҚШ долларига тенг, деб баҳоланмоқда.

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ТИТАНИК» ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Титаник» жаҳон кино санъатининг энг олий соврини — «Оскар» мукофотига ўн бир йўналиш бўйича сазовор бўлган фильмдир. Маълумки, ўзбек томошабинлари ҳам бу фильмни зўр қизиқиш билан кўрдилар.

Республика Киночилар уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Киночилар клуби» мухлисларга туҳфа тайёрлади. Таниқли таржимон Маҳсума Аҳмедова «Титаник»ни ўзбек тилига ўгирди.

Киночилар уйида «Титаник» фильмининг ўзбек тилида премьераси бўлмоқда.

■ **Барно АЛИЕВА**



BS
BURSEL
GROUP
ЖАМОАСИ

Хотира ва Қадрлаш куни — 9 май муносабати билан аждодлар хотирасини ёд этиб, ўтганларнинг руҳлари шод бўлишини тилайди. Ҳар бир хонадондан тинчлик, оилавий тотувлик, бахт-саодат, файз-барака аримаслигини истайди. Аждодлари буюк Ўзбекистон давлатининг ёрқин келажагини кўриш бахти барчамизга насиб этсин!

XXI асрда ўзбек ва турк халқларининг абадий дўстлиги янада мустаҳкамланаверсин!

BURSEL GROUP жамоаси

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ ва «Намангангазсувқурилиш» ОТАЖ акциядорлари диққатига:

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ Бошқаруви «Намангангазсувқурилиш» ОТАЖни «Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖига қўшилганлигини эълон қилади.

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ Бошқаруви

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган сотувчи тадбиркорлар диққатига:

«ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ»

ОАЖида савдо қилиш қулайликларига эга бўлган 620 та бўш жойлар мавжуд.

Бозор маъмурияти.

«АЛАН СЕРВИС» АЖ барча турдаги *тракторлар* эҳтиёт қисмларини ТАКЛИФ ЭТАДИ

Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторлар ҳамда ҳар хил русумли юк ташувчи автомобилларнинг 500 дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21, 191-93-82.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади

ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил

Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-97.
Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79

ТАШКИЛОТ СОТАДИ:

— Нусха олиб-кўпайтириш техникаси ва идора эҳтиёжлари учун қоғозлар:
— қалинлиги 80 г/м
— А-4 формати.
— 200 ва 400 варақдан иборат ўрамда. Баҳоси 1 кг. 1200 сўм.
— Ҳақ тўлаш шакли — пул ўтказиш йўли билан.
— 1 тоннадан зиёд қоғоз сотиб олувчилар учун сезиларли арзонлаштирилади.
— Ўзбекистоннинг исталган манзилига етказиб берилиши мумкин.

Телефонлар: 144-37-92, 144-04-93. Манзил: Тошкент 129, Навоий кўчаси, 30-уй.

КУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИККАТИГА:

БОЗОР НАРХИДАН АРЗОН БАҲОЛАРДА СОТИЛАДИ:

■ Бир донаси 1300 сўмдан хориждан келтирилган гулқоғозлар.
■ Улгуржи харидорларга гулқоғоз арзон берилади.
■ Ўзбекистоннинг исталган манзилига етказиб берилиши мумкин.
■ Ҳақ тўлаш шакли — пул ўтказиш йўли билан.

Телефонлар: 144-37-92, 144-04-93. Манзил: Тошкент 129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги М.Ч.Ж «Gosht Mahsulotlari» фирмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчаси, 100.

Самарқанд вилоятидаги «Қизилқум» кичик корхонаси томонидан А.Ш. Муҳаммадиев номига берилган 120-далолатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Беруний номидаги Тошкент политехника институти томонидан 1976 йилда Муталимова Насиба Мажитовна номига берилган Б-1 872 184 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси партиянинг кекса фаоли, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлимининг раиси

Соиб Усмоновнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партия Жомбой туман кенгаши биринчи котиби

Сафар Саломович ИКРОМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси жамоаси 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизнинг барча уруш ва меҳнат фахрийларини самимий қутлайди. Уларга мустаҳкам соғлик, бардамлик тилайди.

«НУРОНИЙ» ХАЙРИЯ ПУЛ ЮТУҚЛИ ЛОТЕРЕЯСИ БЎЙИЧА 2000 ЙИЛ 5 МАЙДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг уч разрядига умумий суммаси 60 млн. сўмлик 160842 та пул ютуқлари ўйналди. Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разряди бўйича ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядлари шундай серия ва рақамларга эга бўлган билетларга ҳам тўланади. Масалан, серия рақами 002083, билет рақами 197 бўлган лотерея билетига 3000000 сўм пул ютуғи чиққанлиги кўрсатилган.

Бу худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва рақамли билетларга ҳам чиққанлигини билдиради. Бошқа ютуқлар ҳам шундай тартибда ўйналган. Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
000007	191*)	50000
000013	1-200	200
000033	1-200	500
000036	1-200	200
000038	108	1000
000039	148	5000
000041	1-200	500
000050	1-200	500
000051	107	5000
000052	1-200	200
000054	1-200	500
000060	106	1000
000064	158	5000
000067	092	5000
000070	1-200	200
000071	1-200	200
000076	171*)	10000
000082	019	1000
000092	013	5000
000093	1-200	500
000096	1-200	500
000100	1-200	200
000102	081	5000
000107	125	1000
000108	1-200	200
000115	1-200	200
000119	1-200	200
000125	1-200	200
000127	1-200	200
000134	1-200	200
000139	1-200	200
000144	1-200	200
000147	1-200	500
000150	134*)	10000
000152	1-200	200
000155	1-200	200
000158	054	5000
000170	1-200	500
000173	017	1000
000174	168	5000
000175	183	5000
000178	045*)	25000
000181	1-200	500
000205	1-200	500
000210	1-200	200
000215	106	1000
000219	084	5000
000228	1-200	500
000234	1-200	200
000238	1-200	200
000246	148	5000
000247	1-200	200
000255	135*)	25000
000258	1-200	200
000259	1-200	200
000267	1-200	500
000273	1-200	200
000274	1-200	200
000275	148	1000
000279	073	1000
000283	1-200	500
000294	1-200	200
000364	181	5000
000400	1-200	200
000401	1-200	500
000404	073	5000
000407	1-200	200
000410	1-200	500
000419	1-200	200
000424	061	1000
000430	130	1000
000442	1-200	200
000444	112	1000
000452	041	1000
000455	1-200	200
000464	015	5000
000466	093	1000
000470	1-200	200
000479	182	5000
000480	007	1000
000483	056	1000
000493	1-200	200
000494	1-200	200
000495	1-200	200
000499	1-200	500
000500	131	5000
000509	160	1000
000510	164	1000
000511	168	1000
000523	094	1000
000527	064	1000
000532	1-200	500
000545	118*)	100000
000562	056	5000
000563	078	5000
000576	1-200	200
000590	117	1000
000592	1-200	200
000599	1-200	500
000603	140	5000
000604	1-200	200
000613	1-200	200
000614	118*)	25000

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
000615	093	5000
000616	040	5000
000625	021*)	10000
000629	1-200	200
000634	144	1000
000639	1-200	200
000643	1-200	200
000647	079	1000
000648	012*)	10000
000652	005*)	10000
000663	1-200	200
000666	087	1000
000671	179	1000
000673	065*)	25000
000680	172	5000
000682	1-200	200
000683	1-200	500
000692	1-200	500
000693	097	1000
000707	1-200	200
000718	1-200	200
000719	033	1000
000721	138*)	10000
000724	1-200	200
000753	143	1000
000754	092	5000
000765	150	1000
000767	1-200	200
000776	013	1000
000783	1-200	500
000786	184	5000
000809	1-200	200
000810	1-200	200
000812	1-200	200
000813	043	5000
000815	1-200	200
000820	1-200	200
000822	147	1000
000826	1-200	200
000829	1-200	500
000832	177	5000
000839	1-200	200
000853	128*)	25000
000860	129	5000
000876	063*)	50000
000880	1-200	200
000886	1-200	200
000890	1-200	200
000895	1-200	200
000910	1-200	200
000912	1-200	200
000915	137	5000
000919	033	1000
000927	095	1000
000932	1-200	200
000933	138	5000
000941	064	5000
000942	1-200	200
000945	105	1000
000950	027	5000
000962	160	5000
000965	043	5000
000967	086	5000
000975	155	1000
000983	1-200	200
000988	048	1000
001002	102	5000
001004	029	5000
001007	148	5000
001009	1-200	200
001018	1-200	200
001031	1-200	200
001044	119*)	25000
001047	1-200	500
001049	1-200	200
001050	1-200	200
001054	1-200	200
001055	005	5000
001061	047	5000
001064	135	1000
001067	183*)	1000000
001072	1-200	200
001079	1-200	500
001087	019	1000
001089	108	5000
001092	1-200	200
001093	1-200	500
001103	071*)	10000
001106	1-200	500
001115	1-200	200
001117	001	1000
001121	1-200	200
001131	069	5000
001136	193	1000
001142	1-200	200
001147	1-200	200
001162	135*)	10000
001171	1-200	200
001172	1-200	500
001174	1-200	200
001177	179	1000
001183	178	1000
001185	013	1000

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
001188	1-200	200
001190	1-200	200
001194	030	5000
001196	167	1000
001198	1-200	200
001200	067	1000
001202	059	1000
001207	1-200	200
001214	1-200	500
001216	036	1000
001221	1-200	500
001226	1-200	500
001232	070	5000
001246	1-200	200
001261	127	1000
001263	078	5000
001265	002	5000
001277	1-200	200
001280	1-200	200
001290	1-200	200
001293	198	5000
001298	125	5000
001301	1-200	200
001307	124	5000
001309	1-200	200
001315	1-200	500
001324	178	1000
001333	100	5000
001352	1-200	200
001354	113	1000
001356	066*)	50000
001360	1-200	200
001364	177	1000
001368	097	5000
001375	1-200	500
001377	076	5000
001389	1-200	200
001390	1-200	500
001400	090	5000
001405	076	5000
001406	058	5000
001408	140	5000
001410	012	5000
001418	1-200	200
001423	155	5000
001424	1-200	200
001426	044*)	10000
001432	1-200	200
001436	1-200	200
001440	1-200	200
001445	200	5000
001446	1-200	200
001452	163	5000
001479	098	1000
001481	1-200	200
001500	1-200	200
001503	1-200	200
001508	117	5000
001510	1-200	200
001518	156	5000
001519	1-200	200
001520	1-200	200
001531	1-200	200
001537	103	5000
001538	016	5000
001558	1-200	200
001559	030	1000
001561	1-200	200
001564	157	1000
001571	160	5000
001577	017	1000
001596	1-200	200
001597	1-200	200
001604	174	1000
001611	045	1000
001615	1-200	200
001616	1-200	200
001617	1-200	500
001618	1-200	200
001630	156	5000
001633	1-200	200
001634	030	1000
001636	1-200	500
001646	070*)	100000
001653	112	1000
001655	021	1000
001657	021	1000
001659	1-200	200
001660	1-200	200
001663	115	5000
001666	1-200	200
001675	031	1000

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
001677	110	5000
001687	1-200	200
001688	1-200	200
001690	126	1000
001693	1-200	200
001695	1-200	200
001697	120	5000
001699	061	5000
001702	1-200	200
001706	020	5000
001708	174	1000
001709	132	5000
001712	008	1000
001713	1-200	200
001717	1-200	200
001718	009	1000
001722	1-200	500
001723	114	5000
001724	1-200	500
001740	1-200	200
001744	178	5000
001747	1-200	200
001757	182	5000
001763	1-200	200
001764	1-200	200
001765	1-200	200
001772	042*)	25000
001774	068	5000
001777	003	1000
001790	1-200	500
001791	1-200	200
001794	152	1000
001797	108	1000
001801	1-200	200
001802	1-200	200
001808	019*)	250000
001811	1-200	500
001815	114	1000
001818	135	1000
001820	115	1000
001822	030*)	50000
001835	036	1000
001837	046	5000
001842	042*)	10000
001849	1-200	200
001850	1-200	200
001853	144	1000
001855	012*)	10000
001857	1-200	500
001870	1-200	200
001874	167	5000
001878	034	5000
001883	022	5000
001887	197	1000
001889	137	1000
001890	178	5000
001891	129	5000
001900	102	1000
001902	1-200	200
001904	065	1000
001905	1-200	200
001908	1-200	500
001914	1-200	500
001915	1-200	200
001916	072*)	10000
001921	169*)	25000
001925	183	1000
001929	078*)	10000
001930	093	5000
001933	1-200	200
001939	1-200	200
001946	044	1000
001948	1-200	200
001952	046	5000
001955	174	1000
001957	1-200	200
001963	003	1000
001967	1-200	200
001970	042	1000
001972	1-200	200
001973	072	1000
001975	108*)	10000
001977	026	1000
001990	013	5000
001995	1-200	200
001997	1-200	200
001998	098*)	1000000
001999	1-200	200
002003	200	1000
002007	1-200	200
002013	1-200	200
002018	007	1000

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ МИҚДОРИ
002022	094	5000
002031	086	5000
002032	134	1000
002037	129	1000
002044	1-200	200
002057	1-200	200
002061	1-200	200
002062	121	1000
002069	197	1000
002070	1-200	200
002072	170	5000
002075	095*)	100000
002079	064	5000
002080	1-200	500
002083	197*)	3000000
002085	129*)	25000
002089	1-200	200
002095	108	1000
002104	193	1000
002111	114*)	50000
002113	1-200	200
002115	114	1000
002119	1-200	500
002122	094	1000
002123	190	5000
002149	126	5000
002151	1-200	200
002152	1-200	200
002164	056	1000
002167	1-200	200
002172	136	1000
002184	002	5000
002187	1-200	200
002190	1-200	200
002194	1-200	200
002196	1-200	500
002198	1-200	200
002202	1-200	200
002207	1-200	200
002211	092	1000
002214	011	1000
002222	111	5000
002224	138	1000
002228	1-200	500
002233	1-200	200
002238	1-200	200
002246	176	1000
002260	1-200	200
002268	024	5000
002270	146	1000
002275	050*)	10000
002301	051	5000
002303	1-200	500
002312	1-200	200
002315	122	1000
002319	1-200	200
002330	012	5000
002331	1-200	500
002335	187	5000
002341	101	1000
002347	066	1000
002352	1-200	200
002357	010*)	25000
002362	171	5000
002370	083	5000
002378	1-200	200
002381	1-200	500
002384	172	1000
002390	1-200	200
002406	052*)	10000
002408	113	1000
002410	1-200	200
002411	170	1000
002415	061	1000
002417	002	1000
002425	1-200	500
002427	097	1000
002432	1-200	200
002438	1-200	200
002441	011	1000
002445	153*)	50000
002447	1-200	200
002458	160*)	250000
002460	092	5000
002461	1-200	200
002465	013	1000
002474	008	1000
002488	1-200	200
002489	1-200	200
002492	004	5000
002497	1-200	200

*) Қолган 199 билет рақамига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

- 10000 сўмгача миқдордаги ютуқлар Халқ банкининг барча муассасаларида тўланади.
- 10000 сўм ва 10000 сўмдан юқори ютуқлар лотерея чипталари Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан экспертизадан ўтказилгандан кейин Халқ банки бўлимлари томонидан тўланади.

Ютуқ чиққан лотерея чипталари 2000 йил 5 сентябргача тўловга қабул қилинади. Ушбу муддатдан кейин лотерея чипталари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

РАҲМОНБОЕВ Улуғбек Яшарович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари (тираж комиссиясининг раиси)

БАҲОДИРОВ Ортиқхўжа Шукурович — Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (тираж комиссиясининг масъул котиби)

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи *Юсуф Жўраев*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи *Бахтиёр Жуманов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Туроп кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА